

ке трудов немецкого учёного Карла Райхеля в конце XX и начале XXI века, посвящённых изучению и публикации каракалпакского народного эпоса «Едиге».

SUMMARY

The article deals with the description of the periods of the development of Karakalpak epos in foreign countries. The author of the article emphasizes the contribution of foreign scholars Sh.Valikhanov, G.Vamberi in introducing of Karakalpak eposes to other countries.

The article is devoted to the issues of study of the Karakalpak epos by foreign scholars in the XX-th and at the beginning of the XXI- st century. There have been analyzed their research works, devoted to the study and propaganda of Karakalpak eposes. Special attention is given to the evaluation of the works of the German scholar Carl Reikhel done at the end of the XX-th and at the beginning of the XXI-st century and devoted to the study and publication of the Karakalpak folklore epos «Edige».

МИФОЛОГИЗМ XX АСР АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ ХАРАКТЕРЛИ ҲОДИСАСИ

Б.Жовлиев - мустақил тадқиқотчи

ЎзРФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: анъаналар, услублар, миллий наср, миллий хотира, миллий озодлик, ташбех, метафора, мифологик идрок, модернизм, мифопоэтика, мифологик космос, миф асри.

Ключевые слова: традиции, стили, национальная проза, национальная память, национальное освобождение, ташбех, метафора, мифологическое восприятие, модернизм, мифопоэтика, мифологический космос, век мифа.

Key words: traditions, styles, national prose, national memory, national liberation, assimilation, metaphor, mythological perception, modernism, mythopoetry, mythological space, century of myths.

Дунё насридаги хилма-хил анъаналар, услублар, оқимлар миллий наср таракқиётига сезиларли таъсир қилади. Зеро, ҳар бир миллий адабиёт ўзаро таъсирларсиз яшай олмайди. Миллий насримиздаги дунё адабиёти шакли ва услубларини ўзлаштириш XX асрнинг 10-15 -йилларида миллий уйғониш, жадидчиликнинг ижтимоий онгга, жумладан, ижодий тафаккурга таъсири ўлароқ янги давр насрининг илк намуналари сифатида яратилган ҳикояларда ҳам сезилади-ки, бу ҳолат адабиётларнинг бир-бирисиз, ўзаро таъсирсиз яшолмаслигини кўрсатади. «Бу жараён бир-биридан узоқ минтақалардаги халқлар бадий адабиётларининг ўзаро алоқалари, таъсири кучайишига омил бўлди ҳамда жаҳон маданиятининг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлади» [1].

Аслида ҳам ҳар бир янги давр мавжуд воқеликка мос ҳолда етилиб келаётган қарашларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Адабиёт ижтимоий фикрдан олдинда юргани, ундан илгарироқ етилиб келаётган жараёнлар ва қарашларни акс эттиргани учун ҳам жамиятни эврилишлар, янгиликлар ва ўз навбатида хавф-хатар ҳамда фожеалардан кўп марта огоҳлантирган. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Энг ёрқин мисол Ф.Кафканинг «Жазо колонияси» ҳикояси, десак муболага бўлмайди. Ушбу асардаги жазолаш усули бу ёзувчининг башорати эмас, балки ижтимоий онг остида, инсон табиатида пайдо бўлаётган фашизмни олдиндан илғай билганини Ғарб адабиётшунослари қайта-қайта таъкидлайдилар [2].

Адабиёт даврнинг ҳали ўзини намоён қилмаган, лекин оммавий онгостида ўзини кўрсата бошлаган тўлғонишларини анча олдин илғайди, ҳали булар воқеликка айланмасдан кенг миқёсда ўзини кўрсатмасдан турибоқ бадий ҳодисага, бадий образга, бадий таъсирга айланиб, ижтимоий фикрга туртки беради. Бу ҳолатни биз Ғарб адабиётида XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида, XX аср ўрталарида Лотин Америкаси адабиётида кўрамыз.

«Нафсиламб, ҳар қандай санъат ва тарих ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуддир. Тарихий жараёнлар тарихчи олимлар томонидан қайд қилинади: бўлиб ўтган муҳим воқеа ва ҳодисалар аниқланади, уларнинг ўзаро алоқдорлиги, ўзаро таъсир ва муносабатлари талкин қилинади, ўтган сиёсий ва ижтимоий концепциялар атрофлича ўрганилиб чиқилади. Аммо узоқ ва яқин ўтмишнинг ҳаққоний қиёфасини, оддий кишилар ҳаётида кечган воқеалар, тарихий шахслар ҳақидаги тасаввурларни, бошқача қилиб айтганда – умумий тарихий онгни тарихчилар шакллантира олмайди. Бу муҳим аҳамиятга молик мураккаб жараённи фақат санъат ва адабиёт асарларидагина батафсил ифодалаш мумкин бўлади», - дейди адабиётшунос олим М.Холбеков [3].

Миллий хотира — бу фақат тарихнинг ўзи эмас, бу миллатнинг ўз илдири билан боғлаб турадиган ва шу билан унинг келажигини кўрсатадиган ришта ҳам. Ёзувчи Чингиз Айтматов ижодидаги ана шу хусусиятни Назар Эшонқул «Маънавий ҳаёт» журналида чоп этилган «Хотира ва келажак хавотири» мақолисида шундай изоҳлайди: «Асардаги (*«Асрга татиғулик кун» романи кўзда тутиляпти.*) манкурт афсонасига, Тансиқбоев каби образларга эътибор берилса, асар тўлиғича ўз даврида миллий озодлик ғояси билан суғорилганини кўриш мумкин. Чунки миллий озодлик кураши – бу миллат ўзини англаш курашидир, бу ўз ўтмишига, ўз тарихига эга бўлиш, шунга муносиб яшаш учун курашдир.

Шунинг учун ҳам бу асар бутун бошли истиклол арафасидаги авлоднинг уйғонишига туртки берганди, дейиш юз карра ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида миллий республикаларда миллат ва халқлар эрк, мустақиллик истаб кўчага чиққанлар «Биз манкурт эмасмиз!», деган шiorларни ёзиб олишганди. Шунинг ўзиёқ Чингиз Айтматов ўз даври ижтимоий фикрига қанчалик таъсир қилганини англаш қийин эмас» [4]. Бу фикрни «адабиёт ижтимоий фикрга қанчалик таъсир қалганини» билиш мумкин, деб ўқисак ҳам бўлади.»

Миллий озодликка интилиш, умуман, ўша давр миллат ва инсон эрки ҳақидаги бор гапни айтиш эҳтиёжи миллий адабиётларда янги усуллар, янги йўллар, янги ташбехлар, янги метафоралар топишга замин яратди. Дунё адабиётининг энг илғор, ўзини оқлаган усул ва услубларини миллий адабиётда синаб кўриш, сўз санъатини дунё билан бўйлаштириш даври бошланди. Шунга кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётга кириб келган дунё адабиёти оқимлари ва анъаналари ҳам шу даврнинг адабий эҳтиёжи эди.

Бу ҳолат юртимизда биринчидан, шўро тузумининг мафкуравий биқиклигидан ва социалистик реализм методидан безиган адибларнинг янги йўл, янги усул излаши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, йиғилиб қолган ижтимоий муаммоларга жавобни дунё фалсафасидан излашга бўлган интилиш самараси эди. Бинобарин, айни давр тўлиқ маънода, нафақат адабиёт ёки санъатда, умуман, ижтимоий тафаккурда ҳам янгилинишга эҳтиёж сезарди. Буни вақтида илганган зиёлилар, адиблар дунё адабиёти, дунё фалсафасини кенг миқёсда ўргана бошладилар ва ўз асарларига татбиқ этишга киришдилар.

Ҳар бир даврнинг ўз дарди, адабиётга муҳрланиши лозим топилган гаплари, изтироблари бўлади. Табиийки, ҳар бир ижодкор буни ўзича қабул қилади ва ўз дунёқараши, сўзга муносабатидан келиб чиқиб ўзига хос тасвирлайди.

Ўтган асрнинг 70—80-йилларида ўзбек зиёлилари ўртасида дунё адабиётида мифологизмнинг

бошланишига туртки, асос берган Шопенгауэр, Ницше, Анри Бергсон, Фрейд, Юнг, Освальд Шпенглер, Камю каби Ғарб фалсафаси, Жойс, Кафка, Музил, Брехт, Сартр, Фолькнер каби адабиёт номояндларининг асарлари ва қарашлари кенг муҳокама қилина бошланди. Бу янги йўл излаш, ана шу қарашларни маълум маънода миллий адабиётга, миллий тафаккурга олиб кириш дегани ҳамдир. Бу изланиш ҳосиласи ўша давр адабиётида ҳам ўз инъикосини топа бошлади. Мурод Муҳаммад Дўст, Абдулла Аъзам, Олим Отахон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Шодикул Ҳамро каби адиблар ижодида янги анъаналар пайдо бўлишига олиб келди.

Мифологизм XX аср адабиётининг энг характерли ҳодисаси, энг таъсирли адабий приёми бўлишининг асосий сабаби воқеликнинг мифологик моҳиятини кўра билиш, яъни, «оламни мифологик идрок этишда»дир [4]. Е.Мелетинский қайд этганидек, мифологизм тасвир қуролига айланиши учун, аввало, адибдан ана шу воқеликнинг мифологик моҳиятини топиш, кўра олиш, асарни ана шу мифик воқелик асосида ифода қилиш талаб этилди. Томас Манн, Жойс, Кафка каби адиблар ўз асарларида мифологизмни адабий унсурга, тасвир воситасига, бадий тимсолга айлантиргани сабаби ҳам шу: улар ўзлари тасвирлаётган воқеликнинг макро оламини, унинг мифологик космосини, мифологик кенглигини, мифологик тилини, ифода этиш шаклини топа олдилар[4].

Табиийки, миф бугунги кунда нафақат ёзма адабиётнинг, умуман, санъатнинг ҳам ажралмас бўлаги, унинг равнаки ва таракқиёт уфқларини белгиловчи унсурлардан бири бўлиб қолапти. Санъат тобора кўпроқ таъсирга эга бўлаётган бугунги кунда мифлардаги рамзийлик фақат асар поэтикасини чуқурлаштирибгина қолмай, балки унинг шакли ва мазмунини ҳам аста-секин ўзига бўйсундириб олмоқда. Ролан Барт «Миф – бу аввало сўз» деганда маълум маънода ҳақ эди [5]. Хорхе Луис Борхес мифларнинг адабиётдаги ўрнига янада катта баҳо беради: «Адабиёт мифдан бошланиб, миф билан якун топади, - дея таъкидлайди [6].

Бунга модернизм отаси бўлган Ж.Жойсдан тортиб, туркий адабиётнинг забардаст вакили Ч.Айтматов асарларига ҳам мисол бўла олади. Умуман олганда, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидан кейинги деярли барча асарлари поэтикаси у ёки бу жиҳатдан мифология ва фольклоризм билан чамабрасаси бўлади. Шу маънода, Х.Л.Борхес янги асрни «Мифлар асри», деб атагани бежиз эмас эди [6].

Дунё адабиётининг бир қисми ва ажралмас бўлаги бўлган ўзбек адабиёти ҳам бундан холи эмас, албатта. Хусусан, жаҳон адабиёти анъаналарини миллий адабиётга дадил олиб қираётган ва синтез қилаётган адиблар ижодида бу янада яққол кўзга ташланади. Тадқиқотимиз объекти бўлган Назар Эшонкул ижодида мифологизм алоҳида ўрин тутди. Унинг деярли барча асарларида биз дунё адабиётида анъанага айланган мифологик ёндашувни ёки мотивни кўрамиз.

Мифологизм ёзувчининг «Гўрўғли», «Уруш одамлари», «Қора китоб» каби роман ва қиссаларида, «Баҳовуддиннинг ити», «Ажр», «Ўлик мавсум», «Тўзон» каби асарларида мотив, сюжет ёки архитиплар кўрнишида ўзини ошқора кўрсатиб турса, «Тун панжаралари» қиссаси, «Маймун етаклаган одам», «Оғрик лаззати», «Эволюция», «Тобут», «Момоқўшиқ», «Ҳаёл тузоғи», «Зулмат салтанатига сайёҳат» ҳикояларида муҳит кўрнишида намоён бўлади, бу асарларда биз матн шаклдаги мифларга эмас, балки мифик формулаларга, асар структурасига айланган мифологик муҳитга, мифологик дунёқарашга дуч келамиз.

Бу асарларнинг ҳам услубида, ҳам тасвирий ёндашу-

вида, ҳам воқеликни акс эттиришда ва қаҳрамоннинг воқеликни ҳис этиши ҳамда ҳикоя қилиш («Ўлик мавсум», «Тўзон», «Ҳаёл тузоғи» ҳикояларидагидек), макон ва замондан холи ёки макон ва замон чегаралари бузилган тарздаги («Оғрик лаззати», «Эволюция», «Зулмат салтанатига сайёҳат» ҳикояларидаги каби) XX асрда дунё адабиётида синовдан ўтган ва анъанага айланган мифологик усуллардан кенг фойдаланилган. Мазмун ва фалсафий қийматини чуқурлаштирадиган бундай асарларнинг мифопоэтикасини таҳлил қилиш замонавий насримиз бадийати, поэтикаси ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Хусусан, адиб ўзининг «Ажр» ҳикоясида ҳам шўро тузумининг қандай ва нима эвазига яралгани ҳамда мафкураси устидан кескин ҳулоса чиқаради. Унда мифологизм асосига қурилган асарлари сюжетдаги сингари бир пайтлар ғоя ва мартаба учун отасини ўлдирган ҳикоя қаҳрамони ўлимидан сўнг қиёмат кунига қадар отасининг жасадини елкасида кўтариб юришга ҳукм этилади. Албатта, «жасад кўтариш» рамзий ифода. Бошқача айтганда, қаҳрамон қиёматгача қилмишларининг ажри сифатида азобга маҳкум этилади. Ота эса худди жонли хотира каби тириклар дунёсида фарзандининг қилган қабих ишларини гапириб кетаверади: отанинг гапларидан, хотирларидан ўқувчи кўз олдида шўро тузуми бошида ўтирганларнинг қиёфаси бирма-бир намоён бўлади.

«Тобут» ҳикоясидаги меъмор образи эса тузумнинг «асосчиси»га ўхшатилади: ҳикоя қаҳрамони — меъмор қурган шаҳарда яшаётган одамларни ҳеч бир сабабсиз ўлим гирдобига ола бошлайди. Одамлар кўчаларда, уйларида, иш жойларида, ухлаган ёки уйғоқ ҳолатда жон таслим қилаверади. Ҳамманинг боши қотади: ўлимнинг сабаби нима бўлиши мумкин? Дастлаб бунга сабабни эпидемия, деб ўйлаб, шаҳарга комиссия жўнатилади. Комиссия ҳамма нарсани текширади, аммо эпидемияга хос нарсани топмайди. Ниҳоят, шаҳар харитасини ўрганишгач, ҳаммасини тушунилади: аслида бу шаҳар тобут шаклида қурилган экан! Шаҳарни меъмор тобут шаклида қизган. Энди бу шаҳарда яшайдиганлар ўлимга маҳкум бўлаверади. Ўлим маънавий ҳам, жисмоний ҳам бўлиши мумкин. Ҳар ким ўзи талқин қилиб олаверсин. Муҳими, қурилган шаҳарнинг тобут шаклида эканлигида, унда яшайдиганларни шаксиз ўлим кутиб тургани ҳақида...

Бу истехзоли маъжозий ўхшатиш чин маънода шўро тузумининг моҳиятини кўрсатиб берганли!

Адибнинг бошқа бир ҳикояларида, хусусан, «Оғрик лаззати», «Муолажа», «Тун панжаралари», «Баҳовуддиннинг ити» асарларида ҳам инсон озодлиги ва ҳурлиги мавзуси ўзига хос усулда муҳокама қилинади. Таъкидлаш жоизки, адиб ўз асарларида, биз юқорида тилга олган ҳар икки эҳтиёжни ҳам маълум маънода қондиришга уринади. Бунинг учун ҳар хил ифода усулларини, приёмларини танлайди. «Уруш одамлари» — анъанавий усулда, «Тун панжаралари» — монолог шаклида, «Ажр» — мистик манзаралар, тазарру тарзида, «Оғрик лаззати», «Муолажа» ҳикоялари — репортаж шаклида ҳикоя қилинади.

Адиб ҳар бир асарида дунё адабиёти усул ва шаклларида унумли фойдаланади, миллий адабиётга бу усулларни дадиллик билан олиб қиради. Албатта, дунё адабиёти анъаналарини олиб кириш, бу ёзувчининг адабиётдаги мавжуд приёмлардан тўғридан-тўғри фойдаланиши, дегани эмас. Бу усул ва приёмлар ижодий ўзлаштирилиб, адибнинг ўз услубига хос ҳолда берилдики, энди у миллий адабиётимиз усул ва приёмларига айланади.

Ҳар бир ижодкорнинг бадий-фалсафий дунёсини таҳлил қилишда энг унинг ўз асарлари ҳамда адабий қарашлари ишончли манба ҳисобланади. Шунинг учун Назар Эшонкул ижодини ўрганишда унинг «Мендан

«мен»гача» деб номланган иккита китобига кирган мушоҳодалар адибнинг бадиий-эстетик қарашларини намоён қилиши билан аҳамиятлидир [7].

Бу китобларда айнан бизнинг тадқиқотимиз учун дунё ва миллий адабиёт, адабий жараёнлар, оқимлар, фалсафий-эстетик қарашлар, жаҳон адабиётида воқеа бўлган асарларнинг талқини, поэтикасига дахлдор зарур ва қимматли фикрлар борки, бу мулоҳозалар адибнинг ижодий-бадиий концепциясини, асарларининг мазмун-моҳиятини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Айнан шу китоблардаги мақолалардан маълум бўладики, Назар Эшонкул ижодининг дастлабки босқичида унинг асарларида Ғарб адабий-фалсафий қарашлари таъсири баланд бўлган.

Адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов ўзининг «Мўъжизалар сеҳри» китобидаги «Жавоб излаётган одамлар» мақоласида Назар Эшонқулов ижодида ҳам, бадиий-эстетик қарашларида ҳам Ғарб адабиёти ва эстетик қарашлари устуворлик қилишини ва ўзбек

адабиётига Ғарб адабиёти анъаналарини олиб қираётгани [8] таъкидланади. «Ғарб адабиётига хос «онг оқими» йўналишида ижод қилувчи адиблар инсон қалбида юз берадиган зиддиятчи ҳолатларни бутун мураккаблиги, эврилишлари билан ўзини-ўзи тадқиқ қилиш учун баён йўналишини қаҳрамонга топширади. Бунда бадиий нутқнинг муҳим шаклларида бири — ички монолог асосий ўрин тутди.

Назар Эшонкул ҳам ижодида асосан шу йўлдан бормоқда. Бироқ у ифодаляётган воқеаси, қаҳрамонлари ўзбек эканлигини унутмайди...»

Шу маънода миллий адабиётимиздаги шаклан ва мазмунан изланишлар мутлақо янги услубий ёндашувларнинг юзага келиши ва жаҳон адабиётига уйғунлашувига тўртки бўлди. Бунда эса ифоданинг янгилиниши ва мифологизмнинг асар поэтикасига сингиб кетиши адиб асарлари таъсири ва моҳиятининг янада кучайишига таъсир кўрсатиб, ўқувчини кенгрок мушоҳодага ундашга хизмат қилмоқда.

Адабиётлар

1. Холбеков М. Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". -Тошкент: 2010, № 44, 3-б.
2. Қаранг: [Вальтер Беньямин](#). Франц Кафка; [Макс Брод](#). Франц Кафка. Узник абсолюта; Хорхе Луис Борхес. Кафка и его предшественники; [Альбер Камю](#). Надежда и абсурд в творчестве Франца Кафки; [Юрий Манн](#). Встреча в лабиринте (Франц Кафка и Николай Гоголь); Невозможность быть Кафкой; [Синтия Озик](#). Невозможность быть Кафкой; [Жорж Батай](#). [Кафка](#).
3. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. -Тошкент: 2013, 16-б.
4. Назар Эшонкул. Хотира ва келажак хавотири. // Маънавий ҳаёт. -Тошкент: 2018, № 4, 295, 298-358-б.
5. Барт Р. Мифология. -М.: Издательство имени Сабашниковых, 2004. -С. 233-286.
6. Хорхе Луис Борхес. Сочинения в трёх томах. -М.: «Полярис», 1994.
7. Назар Эшонкул. «Мендан «мен»гача. -Т.: Академнашр, 2014, «Ижод фалсафаси – «Мендан «мен» гача-2». -Т.: Академнашр, 2018.
8. Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. -Т.: «Адиб», 2013, 49-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада дунё адабиётининг наср жанридаги турли анъана ва услубларнинг ўзбек миллий адабиёти (насири) тараққиётига таъсири кенг таҳлил этилган. Унда XX аср жаҳон адабиётида етакчи ўрин эгаллаган мифологик ёндашув ва мифопоэтик образ ҳамда талқинларнинг миллий адабиётга сингиши ёзувчи Назар Эшонкул асарлари мисолида исботланган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируется влияние мировой литературы на различные традиции и стили в узбекской национальной литературе (прозе). Мифопоэтический образ и мифологический подход, занимающие ведущее место в мировой литературе XX века, а также освоение трактовок национальной литературой доказаны на основе произведений писателя Назара Эшонкула.

SUMMARY

The article analyses the impact of various traditions and styles in the prosaic genre of world literature on the development of Uzbek national literature (prose). Based on the works of the writer Nazar Eshonkul it proves the absorption of leading mythological approaches, mythopoetic images and interpretations in the world literature of the 20th century into the national literature.

ҚАРАҚАЛПАҚ ГҲРРИЦИНДЕ ХРОНИКАЛЫҚ СЮЖЕТ ХӘМ АВТОРЛЫҚ ШЕБЕРЛИК МӘСЕЛЕСИ

З.К.Ктайбекова – үлкен оқытыушы

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: хикоя, сюжет, хроник сюжет, қаҳрамон, характер, бадиий образ, бадиий ҳақиқат.

Ключевые слова: рассказ, сюжет, хроникальный сюжет, герой, характер, художественный образ, художественная правда.

Key words: story, plot, chronical plot, hero, character, creative image, artistic truth.

1990-жылларға келип қарақалпақ гүрриңлер жаңаша идеялық-тематикалық бағдарда раўажлана баслады. Ғарезсизлик дәўири идеологиясы жазыўшыларымыздан жаңаша пикирлеўди, турмыс ҳақыйқатлығын демократиялық принциплерге сай, қалыс түрде сўўретлеўди талап етти. Авторларымыз ўақыя-хәдийселерди бир тәрәплеме, коммунистлик идеология принциптери көзқарасынан сўўретлеўден бас тартып, миллий қәдириятлар, улыўма инсаныйлық хәм гуманистлик идеялар негизинде шығармалар дөрете баслады. Бул өз гезегинде, жазыўшыларымыздан жаңаша жанрлық хәм көркемлик изленислерди, жаңаша поэтикалық шеберлик үлгилерин талап етти. Бул изленислер, әсиресе, гүрриң жанрында айқын көзге таслана баслады. Өйткени, бул жанр қысқалығы, ықшамлығы, оперативлиги менен басқа эпикалық жанрлардан айырылып турады. Биз мақаламызда 1980-жыллардың екінши ярымы хәм 1990-жыллардағы қарақалпақ гүрриңи поэтикасында

хроникалық сюжеттиң тутқан орны хәм оның көркемлик хызмети мәселесин арнаўлы түрде изертлеўди мақул көрдик. Изертлеў объекти сыпатында Ә.Атажанов, Ө.Ембергенов хәм т.басқалардың айырым гүрринлери таңлап алынды.

Жазыўшыларымыз гүрриң жанры арқалы күнниң актуаль мәселелерине жуўап беріўге умтылды. Нәтийжеде, авторларымыз гүрриң сюжетин жаңаша қурыўға, усы арқалы дәўирдин актуаль машқалаларын көтеріп шығыўға умтыла баслады. Олар усы мақсетте сюжеттиң хроникалық хәм концентрик түрлерин өнимли түрде ислете баслады. «Хроникалық сюжетте ўақыялар арасындағы ўақыттың бир-бирине қатнасы (А ўақыя жүз бергеннен соң ғана Б ўақыя жүз береді) жетекшилиқ қылса, концентрик сюжет ўақыялары арасында себеп-нәтийже мүнәсибети (А ўақыя жүз бергені ушын ғана Б ўақыя жүз береді) жетекшилиқ етеді. Хроникалық сюжет, бир жағынан, турмысты эпикалық